ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЁШЛАР БАНДЛИГИНИНГ ТАЬМИНЛАНИШИ ВА САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЁШ РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР.

Рахмонбердиев Давлатбек Ўктам ўғли
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети
Тарих факултети Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси ўқитувчиси

Аннотация Мазкур мақолада Ўзбекистонда Таълим тизимида ёшлар бандлигининг таьминланиши ва самарадорликка эришишда ёш раҳбар кадрларнинг компетентлигини оширишдаги халқаро тажрибалар, таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, Таълимда коррупция аралашишини тугатишга кўмаклашувчи рақамли иқтисодиёт, Касбий компетентлик тушунчаси таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Таълим тизимида ёшлар бандлиги, ёш раҳбар кадрлар, кадрларнинг компетентлигини оширишдаги халқаро тажрибалар, Таълимда коррупция аралашишини тугатиш, Касбий компетентлик, халқаро тажрибалар.

КИРИШ

Бугунги кунда меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур? Айни ўринда шу ва шунга ўхшаш ғоялар юзасидан сўз юритилади.

Ўзбекистон Республикасида таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ҳам айнан, “...тизимни замонавий ва профессионал кадрлар билан тўлдириш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда 2030 йилга келиб

PISA (The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига кириш” каби долзарб вазифалар этиб белгиланди.

Шу боисдан, таълими тизимида ёш раҳбар кадрларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистонда таълим тизими ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида шахснинг ҳар томонлама камол топиши, ёшларнинг самарали таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Бугунги кунга келиб, республикамизда миллий таълим тизимининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш учун кенг шароит яратилди. Ўз навбатида, ислоҳотлар таълим тузилмаси ва мазмун-моҳиятини такомиллаштириш имконини берди. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз[1]. Ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий ком-петентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди. Таълим – жамиятни ислоҳ қилиш ва уни ташқи дунё учун янада очиқ ҳамда янги технология ва билимларга йўналтирилган жамиятга айлантиришнинг асосий омилидир. У нафақат жамиятнинг ривожланиш истиқболи, балки ҳар бир инсоннинг фаолиятини олдиндан аниқлайди ва белгилайди[2].

Ўқитувчиларимизнинг малака тоифаларини ошириш йўналишида жуда қаттиқ ишлашимиз лозим. Бу ҳар бир ўқитувчи-педагогнинг ўз устида ишлаши, узлуксиз касбий ривожланиши билан эришиладиган жараён. Таълим сифати эса энг биринчи навбатда устозларимизнинг малакаси, янгиликка интилувчанлиги ва ташаббускорлигига боғлиқлиги оддий хақиқатдир.

Жаҳонда таълим энг ноёб капитал сифатида қадрланаётган бугунги шароитда «таълимнинг ҳамма босқичларида, таълим натижаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш ва усулларини такомиллаштириш механизм-ларини жорий этиш орқали барча инсонлар учун уларнинг ҳаёти давомида сифатли таълим олиш имкониятини яратишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда».

Бугунги кунда барча мамлакатлар, ҳаттоки, энг тараққий этган давлатлар ҳам таълим тизимини ривожлатиришда алоҳида эътибор қаратиб, мазкур йўналиш кун тартибидаги энг долзарб вазифага айланиб қолмоқда.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар асосий замирида инновацион интеллект ва ўз-ўзини ҳалқаро рақобат меҳнат бозорида таъминлай оладиган юқори салоҳиятли ёш раҳбар кадрлар масаласи ётади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси[3]” ПФ-4947-сонли фармони қабул қилиниши таълим тизимидаги ислоҳотларни янада тезлаштирди. Юртимизда дастлаб таълим тизимидаги ислоҳотларни олиб боришда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланилди. Чунки, истиқлолга эришган ёш мамлакатимиз учун ҳали бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда таълимни ислоҳ қилиш жараёнида хориж тажрибасига эҳтиёж сезилди. Лекин бу тўғридан-тўғри нусха кўчириш бўлмасдан, халқимиз менталитети ва қадриятлари асосидаги ислоҳот, босқичма-босқич шаклланиб бормоқда.

Айни пайтда бу жараён 1997- йилда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини[4]” қабул қилишдан бошланганлигини ифода этади. Ривожланган мамлакатлар Жанубий Корея ва Сингапур мамлакати, мамлакатни ривожлантиришда таълимни асосий локомотив деб билади.

Хусусан, Жанубий Кореяда одамлар таълимга келажакда жамиятда ўз мавқеини эгаллаш воситаси сифатида қарашади. Инсон ўз шахсини намоён эта олиш лаёқати ёшликда эгаллаган билимига бевосита боғлиқ. Жанубий Кореянинг ҳозирги кўринишидаги ўрта таълим мактаблари 1880-йилда пайдо бўлган бўлса, Жанубий Корея Республикаси ташкил топиши билан ҳукумат таълим соҳасини қайта ислоҳ қилишга киришди. Таълим тўғрисидаги Қонун 1948- йилда қабул қилинган.Таълим

тизимига асос қилиб анъанавий ғарб модели олинган. Уларнинг таълим босқичлари қуйидагилардан иборат[5]:

- 6 йил — қуйи мактаб,
- 3 йил — ўрта,
- 3 йил — олий мактаб;
- 4 йиллик коллеж ва бакалавр унвони берилади;
- 2 йил чуқур ўрганилгандан сўнг магистр унвонини олиш мумкин. Фан доктори бўлиш учун яна 3 йил вақт сарфлаш лозим.

Мамлакатда олий ўқув юртларининг ишлари яхши йўлга қўйилган. Кореяда 500 та олий ўқув юрти бор, уларнинг 400 таси хусусийдир. Бугунги кунда Корея саводхонлик даражаси юқори бўлган мамлакатлар қаторидан жой олган.

Сингапур давлати нафақат Осиё қитъасида, балки дунё миқёсида сўнгги чорак аср мобайнида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган давлатлардан бўлиб ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ҳар йили ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг ўртача миқдори 2,728 минг АҚШ долларини ташкил этади. Сингапурда табиий ва ер ости бойликлари деярли йўқ. Истеъмол учун асосий озиқ-овқат, мева-сабзавотлар хориждан келтирилади. Давлатнинг асосий бойлиги унинг интеллектуал салоҳияти. Сингапур тарихан Буюк Британия мустамлакаси бўлгани учун, унинг таълим тизими кўп жиҳатлари билан Британия таълим тизимига ўхшаш. Ҳар йили ўрта мактабларни битирган ёшларнинг 40 % политехника институтларига, 40 % коллежларга, 20 % ишлаб чиқаришга боради[6].

Сингапур қанчалик тез суръатлар билан ривожланаётган бўлмасин, у ерда ҳам тажриба сифатида АҚШ, Германия, Франция, Япония ва Хитойнинг етук олий ўқув юртлари фаолияти ўрганилиб келинмоқда.

Таълим муассасалари дарс сифатини ошириш мақсадида замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан кенг фойдаланилади. Юқоридаги мамлакатлар тажрибасидан аёнки, таълимга берилаётган эътибор давлатнинг барқарор ривожланишида, тўғри бандлик ва ёш раҳбар кадрлар масаласининг ҳал этилишида

таълим тизими локомотив вазифасини ўтайди.

Хорижий алоқаларни кучайтириш ва таълим тизимидаги ўзгаришларга қарамай бу соҳада ечимини кутиб ётган масалалар борлигини, уларни ҳал этиш жараёнини тезлаштириш бевосита 21 аср инқилоби бўлган рақамли иқтисодиёт тизимининг технологиялари қўлланилиши орқали ечилиши мақсадга мувофиқдир.

Таълимда коррупция аралашишини тугатишга кўмаклашувчи рақамли иқтисодиёт тизимини ахборот коммуникацион технологияларини жорий қилиш, бу бошқарув тузулмаси ислоҳ бўлишига ўз навбатида очиқлик ва шаффофлик таъминланиши кафолатланиши билан тугайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Парламентга қилган мурожаатномасида[7] Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда илмий ишланмалар бўйича амалий натижадорликни ошириш юзасидан аниқ таклифлар тайёрлаш топширилди. Бундан кўзланган мақсад шундан далолат беради, таълим тузилмасини такомиллаштириш, уларнинг соф рақобатбардошлигини оширишда, муаммоларни тўғри ўрганишда ва ривожлантиришда рақамлаштирилган коммуникацион технологияларни кенг жорий қилиш орқали бу тузилмани янги даражага кўтариш учун, юқори самарали восита бўла олади.

Касбий компетентлик тушунчасига нисбатан илмий доирада турли муносабатлар илгари сурилади. У меҳнат субъектига нисбатан аниқ фао¬лият талаблари ёки айнан, субъектнинг аниқ фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларига нисбатан муносабатини тавсифловчи хусусият сифатида қўлланилади. Масалан, тадқиқотчи олим Э.Ф.Зеер[8] касбий компетентликнинг функционал тараққиётини тадқиқ қилиш, касбий камолотга эришиш чоғида компетентликнинг турли кўринишлари интеграциялашиб боришини ва уларнинг касбий муҳим шахс сифатлари билан алоқаси кучайиб боришини кўрсатди . Хусусан, касбий компетентликнинг асосий даражаларига касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини-ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томо¬нидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва шу каби бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятларини киритади.

Компетентлик қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

– ҳар қандай муайян вазиятда, унинг турли хил жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда билимларни ўз ўрнида ва тезкорлик билан тўғри қўллай билиш;

– қарорларни қабул қила билишга қодирлик ва тайёрлик, шу билан бирга, мазкур вазият учун энг мақбул қарор вариантини танлай олиш;

– ижтимоий ҳаракатларни ташкил этиш ва бунинг учун барча имкониятларни ишга сола билиш;

– фаолият доирасида бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларни аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда ва мақсадга мувофиқ, мақбул тарзда ўрната олиш имконини берадиган коммуникатив кўникмалар;

– муайян маънавий қадриятлар, дунёқараш, умуммаданий ва ахлоқий сифатларга эгалик, фаолиятга интилиш ҳиссининг мавжудлиги;

– ўзининг ижодий имкониятларини ривожлантириш, фаолиятнинг янги усуллари.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда бугунги кунда меҳнат бозорида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи ҳар бир мутахассисни ўзида касбий компетентлик ва унга хос сифатларни таркиб топтиришга ундайди. Луғавий жиҳатдан «қобилият», мазмунан эса «фаолиятда назарий билим¬лардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш» маъносини англатувчи компетентлик негизида муайян сифатлар намоён бўлади[9].

Ёш раҳбар кадрларни касбий тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, унинг мазмунини такомиллаштириш зарур аҳамият касб этади. Бундай кадрлар тайёргарлиги сифатини сезиларли даражада ошириш учун педагогик ва касбий билимлар синтезини таъминлаш зарур.

Ёш раҳбар кадрларни касбий шакллантириш педагогик ва техник билимларни фан, таълим, техника, технология ва ишлаб чиқариш иқтисодиёти соҳаларидаги ўзгаришларга асосланган интеграцияси таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади[10]. Ушбу жараён педагогларни тайёрлаш мазмунини асослаш ва касбий компетентлигини шакллантириш технологиясини яратишда муайян ўзгаришларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Хусусан, ёш раҳбар кадрларга хос касбий компетентлик негизида ижтимоий, махсус (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатлар акс этади. Ёш раҳбар кадрларнинг касбий компетенцияси педагогик (ўқув ва тарбия) жараённинг самарали, муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди. Касбий компетенцияга эга бўлиш учун педагог ўз-ўзини изчил ривожлантириб боришга эътиборни қаратиши зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровон¬лигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. –22-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27-июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”// “Баркамол авлод − Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. – Т.: Шарқ, 1997. − Б.31–61.
5. Таълим Менежменти.Журнал.//Жанубий Корея таълими бошқаруви: кун тартибидаги муаммолар. Т.: 2007 йил, 1-сон, 78-б.

6. Uzluksiz ta`lim. Ilmiy - uslubiy jurnal. // Xorijiy mamlakatlarda uzluksiz ta`lim tizimi - Singapurda ta`lim// T.: 2013 yil, № 6, 122- b.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси www.gov.uz сайти

8. Зеер Э.Ф., Личностью ориентирован¬ные технологии пофессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999.60-б.

9. www.infocom.uz – Ўзбекистон ахборот коммуникация технологиялари

10. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон Республикаси Таълим портали